

КОРЕЯДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ МАХСУС ЎҚИТИШ ТАЖРИБАСИДАН¹

ЛИ ДЖИ ИН

Ханкук чет тиллари университети профессори

Аннотация. Ушбу мақолада Кореяда махсус чет тили таълимининг бир қисми сифатида амалга оширилаётган таълим вазирлиги дастури ва у орқали ҳозирда Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедрасида ўзбек тилини ўқитиш жараёни таништириб ўтилади.

Таянч сўз ва иборалар: чет тили, тил ўқитиш, тил таълими, дастур, мулоқот, фикр алмашинуви.

Аннотация. В статье представлены данные о программе министерства образования Кореи, основанной специальным методом преподавания иностранного языка и вместе с тем, озна-комливается текущий процесс преподавания узбекского языка на кафедре Центральной Азии в Ханкукском университете иностранных языков.

Опорные слова и выражения: иностранный язык, преподавания языка, обучение языка, программа, общение, обмен мыслями.

Abstract. This article deals with data about the program of Korean Board of Education in a special method of teaching foreign languages and it acquaints with the process of teaching Uzbek in department of Central Asia in Hankuk University of Foreign Languages.

Keywords and expressions: foreign language, teaching the language, studying the language, program, communication, exchange of ideas.

I. Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви билан корейс фирмалари Марказий Осиё, Африка, Жанубий Америка каби ривожланаётган ҳудудларга кенг тармоқда кириб бормоқда. Бундан ташқари, Корея ҳукумати ҳам стратегик жиҳатдан дипломатик алоқаларни кучайтириб, бир қанча давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Корея иқтисодиёти ривожини авжига чиққан 70–80-йилларда Кореяда кенг қўлланиладиган чет тилларини ўқитиш фаоллашди. 1953 йил уруш тугаши биланоқ ҳукумат экспортга мўлжалланган ўсиш режасини қабул қилгач, давлат ичида хорижий харидорлар билан мулоқот қилиб, хориж бозорини ўрганиб таҳлил эта оладиган кадрларга нисбатан талаб ошди. Шундай талабга мувофиқ, 1954

йилда Кореяда ягона чет тилларига ихтисослашган олий таълим муассасаси Ханкук чет тиллари университети очилди. Ханкук чет тиллар университети фаолияти Кореяда чет тилларини ўқитишнинг ҳозирги кунини ва ўтган тарихидир. Дастлаб инглиз, француз, хитой, немис, рус тили каби 5та чет тили бўйича таълим берилган бўлса, 64 йил ўтиб ҳозирда 30дан ортиқ чет тилларини ўқитадиган олий таълим муассасалари ичида энг йириги бўлиб етишди.

70–90-йилларгача Кореяда асосан ривожланган мамлакатлар тили: инглиз, хитой, француз, немис, япон тили ва Корея билан иқтисодий ҳамкорлиги мавжуд бир нечта давлатлар тилини ўқитишга катта эътибор қаратилган. Аксарият талабалар юқорида тилга олинган чет тилларини ўрганиб, ушбу тиллар орқали ишга жойлаша олганлар.

Лекин Кореянинг сиёсати, иқтисоди, дипломатик ўрни юқорилаб бориши билан бирга,

¹ This work was supported by Hankuk University of Foreign Studies Research Fund (Of 2018).

дунёнинг турли давлат ва ҳудудлари билан айирбошлаш ҳам жадал тус олди. Бундай ўзгаришларга мувофиқ Кореяда янада турли чет тилларини ўқитишга бўлган талаб оша бошлади. Айниқса, 4-саноат инқилоби даврига келиб янада турфа хилдаги хориж бозори ва мураккаблашган глобал муҳитда давлат манфаати номидан сўзлаш учун чет тилларини тушуниб ифода эта олиш қобилиятини эгаллаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Кореяда талаб юқори бўлмаса ҳам араб тили, Африка тиллари, Марказий Осиё тиллари (ўзбек тили) каби чет тиллари ва сиёсат, иқтисод, дипломатиясини фан сифатида ўқитиш секин-аста эътиборни жалб қила бошлади.

Кореяда бундай чет тиллари умумий тарзда “махсус чет тили” деб аталади. Бундай тилларга инглиз, хитой, испан тили каби талаб юқори эмас. Шунга қарамай, ушбу тиллар бўйича мутахассислар зарурияти маълум бўлгач, 2018 йил Корея Республикаси Таълим вазирлиги махсус тилларни қандай ўқитиш ва мутахассисларни қандай ўстиришни мақсад қилиб олган таълим дастурини амалга оширишни бошлади. Ушбу дастур “Махсус чет тиллари таълимини рағбатлантириш қонуни (특수외국어교육진흥법)”га асосланади¹.

Ушбу мақолада Кореяда махсус чет тили таълимининг бир қисми сифатида ўтказилаётган таълим вазирлиги дастури ва у орқали ҳозирда Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедрасида ўзбек тилини ўқитиш қандай амалга оширилаётганини таништириб ўтилади. Бу орқали хориж университетида олиб борилаётган чет тилини ўқитиш ҳолати ва усули кабилар ёритилади.

II. Махсус чет тиллари таълимини рағбатлантириш дастури ва ўзбек тили таълими мақсади

Таълим вазирлиги ва Халқаро таълим давлат институти махсус тиллари таълимини такомиллаштириш мақсадида “Махсус чет

тиллари таълимини рағбатлантириш ҳақидаги қонун” ва мазкур қонуннинг ижро (2016.8.4 ижро)сига асосланган “Махсус чет тиллари таълимини рағбатлантиришнинг 5 йиллик асосий дастури” (2017–2021)ни эълон қилди. “Махсус чет тиллари таълимини рағбатлантириш ҳақидаги қонун” глобаллашув жараёнида корейс компанияларнинг янги бозорга кириши, давлатлар ўртасидаги айирбошлашнинг турфалашуви ва хорижга ишга жойлашиш, иш ўрни яратиш каби ўсиб бораётган ички ва ташқи талабни акс эттириб, асосан чет тилидан ташқари давлат ривожини учун стратегик муҳим бўлган 53та тилни махсус чет тили сифатида белгилаб, мазкур тилларда равон сўзлай оладиган кадрларни етиштиришни мақсад қилиб олди². Мазкур Дастур учун ажратилган маблағ йилига деярли 8 миллион доллар (ушбу дастурда қатнашган 3та университет орасида 1 миллиондан 4 миллионгача доллар)ни ташкил этади.

“Махсус тилларни ўқитишни рағбатлантиришнинг биринчи 5 йиллик (2017–2021) асосий дастури”да танланган махсус тиллар жами 15 та бўлиб, улар орасида ўзбек тили ҳам бор. Мазкур дастурнинг мақсади ўзбек тилида бемалол мулоқот қила олиш қобилиятига эга ўзбеклар билан мулоқот қилиб, уларнинг маданиятини ўрганишдир. Бу орқали талабаларда ўзбек тилига бўлган қизиқиш ва завқни уйғотиб, ушбу минтақа маданияти ҳақидаги кенг билим ва тушунчаларини эгаллаган ўзбек тили мутахассиси бўлган кадрларни етказиб беришни мақсад қилиб олган.

Кореяда ўзбек тили таълими Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедраси ташкил этилиши билан (2004) бошланди. Хануз Корея Олий таълим тизимида ўзбек тилини мутахассислик фани сифатида ўқитадиган муассаса фақатгина Ханкук чет тиллар университетидир. Инглиз, хитой, япон тили каби талаб юқори чет тилларига

¹ Шу қонунга тегишли батафсил маълумотлар учун “(Act on The Promotion of Education of Critical Foreign Languages)”га қаранг.

² Корея Республикаси Таълим Вазирлиги (Ministry of Education, Republic of Korea): <http://english.moe.go.kr/main.do?s=english>.

қараганда ўзбек тилини Кореяда ўрганиш имконияти жуда чекланган. Бундай вазиятда ўзбек тилини ўқитишни кенгайтириш мақсадида, аввало, ушбу дастур ўзбек тилини ўрганиш имконияти мавжуд бўлган Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедрасини дастурни амалга оширишда ҳамкор сифатида танлаб, университетда ўзбек тилини ўқитишни амалда қўлламоқда.

Мазкур дастур орқали университетдаги ўзбек тилини ўқитиш тизимида талабалар маҳаллий тил ва минтақа маданиятини ўзлаштиришларини етарли даражада таъминлайдиган профессор-ўқитувчилар ва ўқитиш методларини режалаштириш билан биргаликда амалга татбиқ этиб, дарсда турли мультимедия материаллари, ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда ўқитиш фаолияти ва баҳолашни табиий Равишда боғлаб дарснинг самарадорлиги ошириб борилмоқда. Ўзбек тилини ўқитишда талабаларга қўйилган асосий талаб “ўзбек тилида мулоқот қила олиш қобилияти”, “ўзини назорат қила олиш қобилияти”, “жамоатчилик қобилияти”, “минтақа маданияти қобилияти”дир. Яъни, биринчиси, “ўзбек тилида мулоқот қилиш қобилияти” кундалик ҳаётда ва турли вазиятларда ўзбек тилида мулоқот қила олиш қобилияти бўлиб, ўзбек тилини тушуниш имконияти ва ўзбек тилида фикрини ифодалай олишни ичига олади. Иккинчиси, “ўзини назорат қила олиш имконияти” ўзбек тилига қизиқиш асосида талабаларга ўзлари мустақил равишда ўзбек тилини ўрганишни давом эттириш қобилияти бўлиб, ўзбек тилига нисбатан қизиқиш, мотивация, ишончни орттириш, ўрганиш стратегияси, ўзини назорат қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Учинчиси, “жамоатчилик қобилияти” минтақа-давлат-жаҳон ҳамжамияти вакили сифатида қадрият ва муносабатларни баҳам кўриб, жамият ҳаётига қизиққан ҳолда жамоатчиликда юзага келган муаммоларни ҳал этишда иштирок эта олиш қобилияти бўлиб, ғамхўрлик ва сабр, ўзгалар билан мулоқот қилиш қобилияти, маданият

тушунчаси, тил ва маданий тафовут ҳақида тушунтириш ва қабул қилиш қобилиятини ўзичига олади. Тўртинчиси, “минтақа маданияти қобилияти” ўзбек тилига доир маҳаллий маданият ва жамият ҳақида чуқур билим тушунчани эгаллаш қобилиятидир.

III. Ўзбек тили таълими намунаси (Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедраси ўзбек тили мутахассислиги объектида)

Юқорида тилга олинган ўзбек тили фанини ўқитиш мақсадида асосий қобилиятга асосланган махсус чет тилларини ўқитишни рағбатлантириш Дастури Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедраси орқали бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Аввало, даражага кўра ўзбек тили дарслигини яратиш асосий масаладир. Бундан ташқари, талабалар турли усуллар орқали ўзбек тилини ўргана оладиган “Талабалар фаолияти”ни ташкил этиш ҳам катта вақт ва моддий ёрдамни талаб этади.

1) Дарслик яратиш.

Ҳозирда Кореяда таълим муассасаси томонидан тайёрланган ўзбек тили дарслиги мавжуд эмас. Шу боис, ушбу дастур ўзбек тили дарслигини яратишни энг долзарб масала сифатида кўрмоқда. Ҳозирда жами 4 босқичдан иборат бўлиб, бошланғич даража 1-2 босқич, ўрта даража 1-2 босқич, жами 4 босқичли ўзбек тили дарслигини яратиш режаси муҳокама этилмоқда.

Аввало, ўзбек тили бошланғич босқичида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ва ишончни орттириб, кундалик ҳаётда фойдаланиладиган асосий ўзбек тилини тушуниш ва ифодалай олиш қобилиятини ўстириб, ўзбек тилида мулоқот қила олиш учун пойдевор яратилади. Бошланғич 1-босқичи оддий “кириш” қисми бўлиб, ўзбек тилини ўрганишни энди бошлаган талаба ва ўзбек тилини ўрганиб кўрмаган ўқувчиларга мўлжалланган. Ўзбек тили бошланғич 2-босқичи “менда ўзбек тилида таянч билим бор” деган маънода “пойдевор” даражасини билдиради деб айтиш мумкин. Бу босқичда ўрганувчилар ўз-

бек тилини ўрганиб, осон ва асосий ҳодисалар ҳақида сўзлаша оладиган бўладилар.

Кейинги ўрта даражада ўзбек тили ўрганувчилари бошланғич 1–2 босқичда ўрганган ўзбек тили асосида таниш ва оддий мавзулар ҳақида ўзбек тилида тушуниб ва гаплаша олиш имкониятини эгаллашни мақсад қилиб олади. Аввало, ўрта даража 1-босқичи ўрганувчилар ўзбек тили бошланғич даражасидан юқори бўлса-да, ўзбек тилида ўқиш ва топшириқларни бажариш учун қийинчилиги бўлган даражадир. Ундан кейинги ўзбек тили ўрта даража 2-босқичи “мен ўзбек тилида ишонч билан сўзлаша оламан” деганда “ишонч билан” даражасини назарда тутди. Даражанинг расмий номи “ўрта ва юқори даража” бўлиб, аниқлик ва тилнинг нозик фарқларида биров чекланган бўлишига қарамай, ўқиш фаолияти ва мутахассислик соҳасида ўзбек тилини қўллаб, мустақил ишлай олиш имкониятини беради.

2) Талабалар фаолияти (мустақил ўқиш)

Барчага маълумки, тил кўп вақт ажратиб машқ қилинмаса, асло ўсмайдиган қобилиятдир. Шу боисдан ушбу Дастур ўрганувчилар турли усуллар орқали ўзбек тилини ўргана оладиган “Талабалар фаолияти” деб номланган кичик дастурни амалга оширмоқда. Бу орқали махсус чет тилларини ўқитишни рағбатлантиш дастурининг асосий мақсади мустақил таълимни юзага чиқаришдир. Ҳозирда амалга оширилаётган дастурни мисол сифатида олсак, у қуйидагича: 1+1 дастури (корейс талаба ва маҳаллий ўзбек ҳар ҳафтада 1 марта учрашиб, ўзбек тилига оид фаолиятни амалга оширади), ёзги мактаб/қишки мактаб (таътилда 1 ҳафта давомида лагерь дастури орқали фақат ўзбек тилида дарс олиб борилади), қўшимча дарс (университет дарслари тугагандан сўнг МАҳаллий ўзбек билан қўшимча дарс), дарсликсиз фаолият (ўзбек маданиятига доир рақс, қўшиқ, фильм кўриш, овқат тайёрлаш каби)лар бор. Мазкур фаолиятларнинг барчаси ҳозирда Ханкук чет тиллар университети Марказий Осиё кафедрасида ўзбек тили му-

тахассислиги талабалари учун ташкил этилган. Ана шундай турли фаолият бу Дастурга қатнашган талабаларнинг ўзбек тили даражаси ошишига кўмак бериб, талабалар дарс давомида ўрганишдан кўра тенгдошлар билан янада қулай ва қизиқроқ тарзда дарсларга иштирок этишди. Марказий Осиё кафедраси профессори ҳам Дастурга қатнашган талабаларнинг ўзбек тили даражаси сезиларли тарзда ошди деб таъкидлади¹.

3) Мутахассислик дарси

Ханкук чет тиллари университети Марказий Осиё кафедрасида ташкил этилган ўқув дарсларининг асосий мақсади талабаларда ўзбек тилида мулоқот қилиш қобилиятини ўстиришдир. Бундан ташқари, ўзбек тилини ўрганишда мазкур тилдан фойдаланувчи давлат (Ўзбекистон)нинг сиёсати, иқтисоди, маданияти, тарихи ҳақида ҳам биргаликда ўқитиб борилади. Давлат ҳақида аниқ тушунчага эга бўлгач, ушбу тилни оғзаки қўллаш ҳам ўсиб боради.

Шу асосда 2018 йил ҳозиргача ташкил қилинган ўқув фанлари сони жами 36–38 бўлиб, 1 ҳафталик ўзбек тили бўйича ўқитиш соати жами 18–20 соатдир. Фанларнинг мақсади батафсил қуйидагичадир: биринчидан, ўзбек тилида эшитиш, гапириш, ўқиш, ёзиш имкониятини ўзлаштириб асосий мулоқот қобилиятини ўстириш; иккинчидан, бир умрлик таълим сифатида ўзбек тилига нисбатан қизиқиш ва туртки, ишончни орттириш; учинчидан, халқаро жамият маданиятини тушуниш, бошқа маданиятларни тушуниш, халқаро жамиятни тушуниш қобилияти ва қабул қилиш муносабатини ўстириш; тўртинчидан, ўзбек тилига оид минтақа маданияти ҳақида чуқур билим ва тушунчаларни эгаллашни ривожлантиришдир.

Тавсия этилган дарс соатлари она тили ва ўзбек тилининг лингвистик ўхшаш ва фарқли томонларига кўра фарқ қилганлиги боис,

¹ Ли Жи-еон, Машраббекова А., Ханкук чет тиллари университети Марказий Осиё кафедраси профессорларининг интервьюсидан. 2018.



Ўзбек тилига мос тарзда дарс соатлари ажратилган. Қўшимча қиладиган бўлсак, ўзбек тили лингвистик жиҳатдан яқин ҳолатларга кирганлиги боис лингвистик узоқ ҳолатлардан кўра камроқ соат (бошланғич даража 1

семестрда ҳафтада 7 соат, 16 ҳафта=114соат) бўлса ҳам, мақсадни амалга оширишда катта қийинчилик мавжуд эмас.

Марказий Осиё кафедраси ўзбек тили фанлари

Фан номи	Соат	Кредит
Бошланғич ўзбек тили ½	2	2
Ўрта ўзбек тили ½	2	2
Юқори ўзбек тили ½	2	2
Ўзбек тили таржима 2	2	2
Ўзбекча матн ўқиш ½	2	2
Ўзбек тили амалиёти ½	2	1
Бошланғич даражадаги ўзбек тили (оғзаки ва ёзма) ½	4	2
Ўрта даражадаги ўзбек тили (оғзаки ва ёзма) ½	2	2
Юқори даражадаги ўзбек тили (оғзаки ва ёзма) 1/2	2	2

*изоҳ: 1 ва 2-семестрни англатади. Ханкук чет тиллари университети сайтидан.

Ҳар семестрда жами 8–9 та ўзбек тилига доир ўқув фани ташкил қилиниб, жами дарс соатлари 18–20 соатни ташкил этади. Тилни ўқитиш маҳаллий профессор томонидан олиб борилиши энг муҳими бўлганлиги боис, ҳозирда Марказий Осиё кафедрасида чет эллик ўқитувчи 2 нафар (доимий, шартномавий) бўлиб, 1 ҳафтада дарсларнинг ярмидан ортиғи маҳаллий ўзбеклар томонидан олиб борилади. Корейс ўқитувчилари асосан бошланғич даражасидаги талабалар учун корейс тилида дарс ўтиб, қолган қисми ўзбек ўқитувчилар томонидан ўзбек тилида олиб борилиши асосий принципдир.

IV. Хулоса

Кореяда шу давргача асосий чет тилларини ўқитишга эътибор қаратиб келинди. Бироқ Кореянинг халқаро миқёсдаги ўрни ва дунёнинг турли мамлакатлари билан турли соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали Корея ичида талаб юқори бўлган чет тилидан ташқари махсус чет тили сифатида тасниф

этилган бир қанча тиллар ҳақида профессионал дарслар ва кадрлар тайёрлашга эътибор берилмоқда. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун бошланган намуна сифатида “Махсус чет тиллари таълимини рағбатлантириш ҳақидаги қонун”ни олишимиз мумкин. Ушбу қонун тилдан ташқари сиёсат, иқтисод, дипломатия, илмий жиҳатдан аҳамиятига кўра Кореяда мутахассисларга эҳтиёж бўлган махсус тиллар (масалан, ўзбек тили) тўғрисида давлатнинг профессионал, тизимли, узоқ муддатли ёрдамини қонунийлаштирган асосдир. Давлат томонидан ана шундай ёрдам ажратилмаса, махсус тиллар ўқитиш учун жой ва ўрганувчиларни топиш мушкул. Яъни давлатнинг ўрни ва фаолияти ҳажми кенгайиши сабабли турли тилларни ўқитишни қўллаб-қувватлаш керак ва корейс ҳукуматининг бу борада амалга ошираётган тадбирлари бошқа давлатларда чет тилини ўқитиш учун намуна бўла олади.

